
Данғара тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати БАЁНОТИ

Ижтимоий тармоқларда ““Обод қишлоқ” дастури доирасида ҳам ичимлик суви муаммоси ҳал этилмади” сарлавҳаси остида яна бир хавола этилган мақола юзасидан Фарғона вилояти “Сувоқава” ДУК Данғара тумани филиали берган маълумотларга асосланиб қуйидагиларни маълум қилади.

Данғара тумани худудида 2018-йил 29-мартдаги ПҚ 3630-сонли «Обод қишлоқ» дастури асосида 2018-йилда қуйидаги ишлар амалга оширилган.

Боғиш МФЙ Боғиш қишлоғида 3.7км ичимлик сув тармоғи тортиш ҳамда бир дона ичимлик сув минораси таъмирлаш;

Катта бойбуча МФЙ Шодлик қишлоғида 9.9км ичимлик сув тармоғи тортиш, бир дона янги ичимлик сув минораси ўрнатиш ҳамда бир дона ичимлик сув минораси таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Данғара тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-01-10 16:10:27